



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг)  
2004 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот*

## Кириш

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ҳисобот давридаги фаолияти мамлакатимизда демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши, миллий давлатчилик институтларини ислоҳ қилиш, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, демократик тузилмаларнинг ривожланиши, ижтимоий секторни ҳамда оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларига фаол жалб этиш, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш шароитида амалга оширилди.*

### **Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили инсон ҳуқуқларига доир миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва уни халқаро нормаларга мувофиқлаштиришга кўмаклашиш борасидаги ваколатларини амалга ошира бориб, ҳисобот даври мобайнида қонун лойиҳаларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳимоя қилишга тааллуқли қисми юзасидан таклифлар киритди, парламентнинг қўмиталари ва комиссиялари, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, вазирликлар ва идоралар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили “Муҳофазат қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ва бошқа қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди.

Омбудсман институти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририни тайёрлаш ва унинг иккинчи чақириқ парламент XV сессияси томонидан қабул қилиниши юзасидан катта ишлар олиб борди.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида парламент Омбудсмани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг ўтказди. Омбудсманнинг назорат фаолияти унинг минтақавий вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар, нодавлат нотажорат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, социологлар, журналистлар, барча даражадаги мансабдор шахслар иштирокида амалга оширилди. Ушланганлар ва жазони ижро этиш жойларидаги маҳбусларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид мониторинг ҳисобот даври мобайнида мамлакатимизнинг бутун ҳудудида мунтазам ўтказиб борилди.

Фуқароларнинг одил судлов соҳасида ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисида Омбудсманга тушган кўп сонли мурожаатлари фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан мамлакатимизнинг бешта минтақасида мониторинг ўтказиш учун асос бўлди. Одил судловни амалга ошираётганда судьялар ҳам, шунингдек ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган фуқаролар ҳам дуч келаётган муаммолар ва қийинчиликлар аниқланди.

Ҳисобот даврида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилиши юзасидан мамлакатимизнинг барча минтақаларида мунтазам мониторинг олиб борилди.

Мамлакатимиз минтақаларидаги мониторинг жараёнида қонунни қўлланишдаги камчиликлар аниқланди, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинди. Тадқиқотлар яқунларига кўра, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитлар тўғрисида тегишли ташкилотлар ҳамда тузилмалар учун маърузалар тайёрланди, бундай камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

### **Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш фаолияти**

2004 йилда Омбудсманга тушган мурожаатлар таҳлили аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бошқарув соҳасида янги воситалар ва механизмларни жорий этиш кўлами, давлат институтлари ва жамоат тузилмалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг самарадорлиги ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Йил давомида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига **6311** та мурожаат тушди (2003 йилда 5807 та), шу жумладан почта орқали **3324** та, қабул жараёнида **2987** та мурожаат олинди. Ҳисобот даври мобайнида **1253** нафар фуқарога, шу жумладан «ишонч телефони» орқали **1500** нафар фуқарога юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди (1 –2-иловалар).

Фуқаролардан уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида Омбудсман номига тушган **1899** та мурожаат (2003 йилда 1390 та) назоратга олинди, шундан ҳисобот даврида **470** таси (2003 йилда 320 та) ижобий ҳал этилди, қолганлари ижро этилиш босқичида турибди (3-илова).

Ҳисобот даврида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан **9** та хулоса тайёрланди, шундан **2** таси Олий судга, **2** таси Бош прокуратурага, қолганлари эса Ўзбекистон Республикасининг турли ташкилотлари, вазирликлари ва идораларига юборилди. Хулосаларнинг ҳаммаси юзасидан мазкур идоралар зарур чора-тадбирларни амалга оширдилар ва улардан асослантирилган жавоблар олинди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ўз таркибий бўлинмаларининг аъзолари ҳамда шериклик ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда жойларга бориб, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларига бориб **110** та учрашув ўтказилди, жиноят ва фуқаролик ишларидан **55** таси бўйича суд жараёнларининг бориши кузатилди.

Тошкент шаҳридан, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Андижон вилоятларидан тушаётган мурожаатлар сонининг кўпайиб бориш тамойили устун эканлиги кузатилмоқда (4-илова).

Келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий ҳимояни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа масалаларга тааллуқлидир.

Ўтган даврда фуқароларнинг суд органлари фаолиятига тааллуқли **2325** та мурожаати кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг аксарияти туман ва вилоят судларининг фаолияти билан боғлиқдир. Фуқаролар ўз мурожаатларида суд ҳукмидан ёки суд чиқарган ҳал қилув қароридан, даъво аризасини қабул қилиш асосиз равишда рад этилганлигидан, судларда ишларни кўриш чўзилиб кетаётганлигидан, суд орқали ҳимоя ҳуқуқи бузилаётганлигидан, судлар қабул қилган қарорлар ижро этилмаётганлигидан норозилик билдирадилар (5-илова).

Омбудсманга келиб тушган **1245** та мурожаат ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига тааллуқли бўлиб, уларда фуқаролар қамоқ жазоси қўлланилганлиги, қамоққа олинганлик, жиноий жавобгарликка тортилганликдан, тергов тартиб-таомилидан ва унинг олиб борилиши жараёнидан, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, шу жумладан пенитенциар тизим ходимлари ҳаракатларидан, шунингдек фуқаролар томонидан у ёки бу масалада мурожаат қилинганда эътиборсизлик билан қаралаётганлигидан норозилик билдирганлар (6-илова).

Қабул қилиб олинган мурожаатларнинг **401** таси меҳнат ҳуқуқларининг таъминланишига тааллуқли бўлиб, уларда фуқаролар ишдан бўшатирилганлик, ходимнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилганлик ҳолларидан, ўзлари меҳнат қилаётган муассаса, ташкилот, корхона иш берувчиларининг хатти-ҳаракатларидан, ҳуқуқларнинг шу тоифасини ҳимоя қилиш юзасидан судлар чиқарган қарорлар ва ажримлардан норози эканликларини баён этганлар, шунингдек иш ҳақи вақтида берилмаётганлигидан шикоят қилганлар (7-илова).

Ижтимоий тўловлар, ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқларининг амалга оширилиши, ёшга доир пенсияга, ногиронлик пенсиясига чиқиш таомили ва пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш тартиби бузилганлиги билан боғлиқ **262** та мурожаат тушди (8-илова).

Уй-жой-коммунал хизмат муаммолари юзасидан фуқаролардан **307** та мурожаат тушди, улар асосан уй-жой берилиши, коммунал хизматлар сифатсиз кўрсатилаётганлиги, қиш фаслида иссиқлик таъминотидаги узилишлар, иссиқ ва совуқ сув, газ ва электр бўлмайд қолиши, уй-жойларни таъмирлаш масалаларига ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига тааллуқлидир (9-илова).

Фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Омбудсманга **316** та мурожаат тушган бўлиб, бу мурожаатлар рўйхатдан ўтиш, депортация қилиш, фуқаролик, паспорт, шунингдек фуқаронинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар олиш таомили бузилганлигига дахлдордир (10-илова).

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва бизнесни ривожлантириш соҳасида, шу жумладан ўз фаолиятини ривожлантириш учун кредит олишда кўмаклашиш масалаларига доир **123** та мурожаат олинди. Ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар ходимларининг ҳуқуқларига тааллуқли

110 та, таълим соҳасига доир 86 та, бошқа масалалар юзасидан 1060 та мурожаат кўриб чиқилди (11-илова).

Аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари, соғлиқни сақлаш органлари ходимларининг ҳаракатларидан норозиликка ва улар қўйган ташхисларга доир 76 та мурожаат тушди (12-илова).

Ҳисобот даври мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига фуқаролардан тушган мурожаатларни ўрганиш фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кўпол равишда бузилишига олиб келган қуйидаги қатор сабабларни аниқлаш имконини берди:

- *инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан бевосита вазифаларини бажаришларида қуйи тузилмаларнинг устидан юқори органлар идоравий назорати даражасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги;*
- *давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот, муҳофаза ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг етарли даражада иштирок этмаётганлиги;*
- *фуқароларнинг ҳуқуқий маърифати соҳасида, аҳоли турли тоифаларининг ҳуқуқий таълими тизимини яратишда давлат ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш даражаси паст эканлиги.*

*Парламент Омбудсманига тушаётган шикоятларга хос умумий тамойилдаги ижобий ўзгаришлар тариқасида шуни қайд этиш керакки, шикоятларнинг аниқ йўналтирилганлиги ва асослантирилганлиги даражаси борган сари ортмоқда. Шундай мурожаатлар ҳам келиб тушмоқдаки, уларда фуқаролар ўз шахсий муаммоларини ёзишдан ташқари, давлат ва жамият миқёсидаги у ёки бу масалаларни ҳал этишни қандай тасаввур қилишлари ҳақида мулоҳаза билдириб, амалдаги қонун ҳужжатларини, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини такомиллаштириш йўллариини таклиф этаётирлар.*

### **Парламент Омбудсмани институти** **минтақавий тузилмаларининг фаолияти**

Жамоатчиликнинг давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишдаги иштироки йил сайин кенгайиб бораётганлиги, шунингдек тушаётган мурожаатларни ҳал этиш ишларини марказдан жойларнинг ўзига босқичма-босқич ўткази бориш Омбудсманнинг минтақавий вакиллари институтини янада ривожлантиришга ҳамда уларга жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида мамлакатимизда кечаётган жараёнлар замирида амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалаларида кўшимча ваколатлар берилишига олиб келди.

Йил мобайнида минтақавий вакилларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир қабул қилинган қарорларни, хусусан, маҳаллий ҳокимият органларининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тузилмалари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги қарорларни бажариш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи минтақавий вакиллар мазкур Қарорнинг ижро этилиши доирасида халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг сессияларида сўзга чиқиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият

хақида ахборот бердилар. Деярли барча минтақавий вакиллар ёки уларнинг эксперт гуруҳлари аъзолари ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази билан биргаликда ўтказилган тренингларда таълим олдилар, бу тадбирларга қатор хорижий омбудсман институтларидан, халқаро ташкилотлардан мутахассислар тренер сифатида таклиф этилди. Омбудсманнинг локал компьютер тармоғини – марказий идора билан минтақавий вакилликларни ўзаро боғлайдиган тармоқни яратиш йўлида изчил иш олиб борилди.

Бир қатор вилоятларнинг минтақавий вакиллари парламентнинг кўмиталари ва комиссиялари ўз назорат вазибаларини амалга оширишлари даврида улар билан фаол ҳамкорлик қилдилар. Муайян ҳуқуқлар тоифаларини амалга оширишга доир режали мониторинглар ўтказилган ҳудудларда минтақавий вакиллар бу тадбирларни амалга оширишда бевосита иштирок этдилар. Аини вақтда минтақавий вакиллар барча ҳудудларда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши муаммолари бўйича мониторинг тадқиқотлари ўтказдилар, бундай ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиб бордилар.

Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳисобот даврида фуқаролардан тушган **1465** та мурожаатни (2003 йилда 800 тадан зиёд) кўриб чиқдилар. Минтақавий вакиллар томонидан олинган мурожаатлар марказий идорага тушган мурожаатлар билан моҳиятан бир хил (13–14-иловалар).

### **Шериклар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни ривожлантириш**

Аҳолининг ҳуқуқий маърифати билан боғлиқ масалалар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

Омбудсман ҳамда унинг минтақавий вакиллари ҳокимият турли тармоқларининг органлари ва тузилмалари билан ижтимоий шериклик принциплари асосида ҳамкорликни ривожлантирдилар, жойларда маърифий-тушунтириш ишларини олиб бордилар, бу ишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилди.

2004 йилда Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича шериклик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан битим тузилганлиги Омбудсманга ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўтказиладиган тезкор тергов тадбирларининг турли босқичларида ишнинг янги шаклларида фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқларини таъминлаш усуллари ва воситаларини анча кенгайтириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳисобот даври мобайнида парламентнинг кўмиталари ва комиссиялари, шерик ташкилотлар томонидан, шунингдек ЕвропЭйд дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил қилинган тадбирларда ҳам фаол қатнашди. Чунончи, парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан биргаликда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд ва суддан ташқари тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар: халқаро тажриба» мавзуида илмий-амалий

конференция ўтказилди, унда миллий ва чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари вакиллари иштирок этдилар.

Шериклар ҳамда қатор ташкилотлар кўмагида услубий ва оммабоп адабиётлар, хусусан давлат тилида «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» тўплами нашр этилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат божхона кўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг минтақавий тузилмалари билан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ўқув марказида мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб келдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари, Тошкент Ислом университети, Тошкент Давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистратура ва бакалавриатлари талабалари учун Омбудсман вакиллари томонидан парламентда ўтказиладиган машғулотлар, шунингдек ихтисослаштирилган ўқув юртларида ўтказиладиган учрашувлар доимийлик хусусиятига эга бўлиб қолди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили кўмагида Тошкент Аграр университетида, Ўзбекистон Миллий университетида, Самарқанд Давлат университети ва Самарқанд тиббиёт институтида университетлар омбудсманларининг жамоат тузилмалари ташкил этилди. Парламент Омбудсмани, унинг жамоат тузилмалари аъзолари ва Котибияти ходимлари ўқув юртларида ёшлар билан мунтазам равишда учрашиб турдилар. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг минтақавий вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган семинарлар ва конференцияларда фаол қатнашдилар.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўналишидаги ишлар давом эттирилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ташкил этилган барча тадбирлар матбуот ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллариининг иштирокида ўтказилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти тўғрисидаги ахборот ва материаллар парламентнинг нашрлари бўлган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси»да, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида, ҳукуматнинг «Правда Востока» газетасида, шерикларнинг «Постда», «Вақт», «Ҳуқуқ-Law-Право», «Қонун ҳимоясида», «Ишонч» – «Доверие» ва бошқа матбуот органларида ҳам, чет эл матбуот органларида («Франкфурт Альгемайне Цайтунг», «Корея Пост», Халқаро ва Европа омбудсман институтларининг хабарномаларида), шунингдек электрон оммавий ахборот воситаларида («Би-Би-Си», «Дойче Велле», Россия Омбудсманининг сайти, Екантеринбург шаҳри телевидениеси ва бошқаларда) ҳам жойлаштирилди. Ажратилаётган ресурслар ҳамда олинishi мўлжалланаётган грантлар доирасида замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан парламент Омбудсмани институти фаолиятининг юқори даражадаги очиқ-ошкоралигини таъминлаш учун фойдаланиш, бунга эса Интернет тизимидаги ўз мустақил сайтига барча материалларни (хисоботлар, мақолалар, битимлар, янгиликлар ва бошқаларни) жойлаштириш йўли билан эришиш режалаштирилмоқда.

### Халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолият

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кенгайиб бориши асносида чет эллик шериклар билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳам ҳамкорлик амалга ошириб борилди. Ўтган давр мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили **22** та расмий делегацияни, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қабул қилди.

Ҳисобот даврида ЕХХТнинг амалдаги раиси, БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссиясининг Ўзбекистон бўйича мустақил эксперти, Германия Федерал ҳукуматининг Россия, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари бўйича вакили, Германия ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчилари, Польша Конституциявий трибуналининг судьяси, Германия Бундестаги депутати, ЕХХТнинг Тошкентдаги Маркази бошлиғи, АҚШнинг Халқаро диний эркинлик масалалари бўйича комиссияси, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ Тараққиёт Дастури, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, «Хьюман Райтс Вотч» ва «Фридом Хаус» халқаро ноҳукумат ташкилотларининг делегациялари, шунингдек БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ элчихонаси, Конрад Аденауэр номли фонд, Франция Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази, Лондон университети, Осиё Тараққиёт банки, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қабул қилинди.

Тошкент шаҳрида Конрад Аденауэр номли фонднинг Марказий Осиё ва Кавказдаги Махсус вакили кўмагида мазкур минтақа давлатлари омбудсманларининг илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг вакиллари сафарлари чоғида Россия Федерацияси, Озарбойжон Республикаси ва Латвия Республикаси омбудсманлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузилди. Яқин келгусида Франция, Испания, Корея Республикаси, бошқа мамлакатлардан бўлган шериклар билан шартнома асосида ҳамкорликни давом эттириш мўлжалланмоқда.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда кўмаклашиш масалаларида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг чет эллик ҳамкасблар мурожаатлари ва сўровларини кўриб чиқиш борасидаги фаолияти ҳам анча фаоллашди. **33** та мурожаат, шу жумладан Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилидан, Свердловск ва Липецк вилоятлари, Татаристон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиядан, Қирғизистон Омбудсманидан, ЕХХТнинг Тошкентдаги Марказидан, Россия, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон ва бошқа давлатларнинг фуқароларидан мурожаатлар тушди. Мурожаатларни ҳал этиш ва ишларни ташкил этиш борасида тажриба алмашиш масалалари юзасидан Озарбойжон Республикасининг Омбудсмани вакиллари делегацияси Тошкентда бўлди.

Халқаро ва Европа омбудсман институтлари каби нуфузли халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди.

Ҳисобот даврида Омбудсман Котибияти вакиллари ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан инсон ҳуқуқларига, шу жумладан қийноқлар ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки инсон кадр-қимматини таҳқирловчи турларига қарши Конвенциянинг қоидаларига риоя этилишини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи ишида фаол қатнашдилар.

Омбудсман «Ўзбекистон–Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги кўмитасининг Страсбург шаҳарида бўлиб ўтган йиллик йиғилиши ишида қатнашди, мазкур йиғилишнинг кун тартибига демократик институтларнинг шаклланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши масалалари киритилган эди.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Тошкентдаги Маркази, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ҳамкорлик Омбудсман тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини экспертизадан ўтказишда кўмаклашишга, Омбудсман вакиллариининг ўқувини ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларига бағишлаб биргаликда тадбирлар ўтказишга, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида мутахассислар, адабиётлар ва материаллар алмашишга қаратилди.

Ҳисобот даврида Омбудсманнинг халқаро ҳамкорлигида унинг минтақавий вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар чет элларда ўтказилган конференциялар, семинарлар ва тренингларда қатнашиб, маърузалар қилдилар, шунингдек мамлакатимиз минтақаларига келган хорижий шериклар ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан, хусусан БМТ муассасалари ва институтлари, ЕХХТ тузилмалари, Конрад Аденауэр номли фонд делегациялари билан учрашувлар ўтказдилар. Омбудсманнинг Андижон вилояти бўйича минтақавий вакили Литванинг Вильнюс шаҳрида ўтказилган “Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида яқинда таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” мавзусидаги IV Халқаро давра суҳбатида қатнашди.

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг фаолиятини янада такомиллаштириш мамлакатимизда демократлаштириш ва эркинлаштириш умумий жараёнларининг чуқурлашувига, конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликларга риоя этилиши масалаларини ҳал қилиш юзасидан парламент назорати шакллариининг ортиб боришига, Ўзбекистонда инсон манфаатларини кўзлаб қонун устуворлигини таъминлашнинг таъсирчан механизмлари йўлга қўйилишига, Вакилнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланишига ҳамда ресурслар билан қўллаб-қувватланишига боғлиқдир.**

\*\*\*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2004 йил юзасидан ҳисоботининг тўлиқ матни билан Вакилнинг Котибиятида танишишингиз мумкин.*

